

Саҳл ибн Саъд розияллоҳу анҳудан



06:10 / 23.08.2018 3376

Саҳл ибн Саъд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Саҳл: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳ у зотни юборган пайтдан то қабз қилгунича оқ нонни кўрмаганлар», деди. «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида элақларингиз бўлармиди?» дедим. «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳ у зотни юборган пайтдан то қабз қилгунича элақни кўрмаганлар», деди. «Эланмаган арпани қандай қилиб ер эдингиз?» дедим. «Уни туйиб, пуфлаб шопирар эдик. Учгани учиб кетар, қолганини сувга ийлар эдик», деди».

Имом Бухорий ривоятлари.